

**Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Йўриқноманинг номидан «ва технологиялари» сўзлари чиқарилсин.  
2. Умумий қоидalarda «олий таълим» сўзларидан кейинги «ва» қўшимча чиқарилсин ҳамда «, олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари,» сўзлари киритилсин.

3. 1-банддаги «Таълим муассасалари аттестацияси» сўзлари «Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари аттестацияси худудий аттестация комиссиялари томонидан, қолган барча таълим муассасалари аттестацияси» сўзларига алмаштирилсин.

4. 8-банднинг «б» кичик банди бўйича:  
учинчи хат бошидаги «Агар параллел синфлар сони 1 та ёки 2 та бўлса ҳаммаси, 3 та ва ундан кўп бўлса, параллел синфларнинг учдан икки (2/3) қисми Комиссия томонидан қуръа ташлаш йўли билан танланади» сўзлари «4- ва 9-синфлардан параллел синфларнинг камида 50 фоизи, қолган синфлардан Комиссия томонидан қуръа ташлаш йўли билан 1 таси танланади» сўзларига алмаштирилсин, «таълим тилига қараб» сўзларидан олдин «4- ва 9-синфларда» сўзлари киритилсин; тўртинчи хат бошидаги “35-45” сонлари “30-40” сонларига алмаштирилсин ҳамда “ўқиш (оғзаки ўқиш тезлиги бир дақиқада 60—70 та сўз), сўзлари чиқриб ташлансин,

бешинчи хат боши қуйидаги таҳрида берилсин: “3-синфда она тилидан ёзма (диктант-ўқув йили биринчи ярмида 45—55 та сўз, ўқув йилининг охирида 50—60 та сўз), таълим рус (ёки бошқа) тилида олиб бориладиган синфлар учун ўзбек тилидан (диктант — 12—16 та сўз), рус тилидан таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синфлар учун ёзма (диктант — 40—45 та сўз);”.

олтинчи хат бошидаги “математикадан ёзма (3 та мисол)” сўзлари “математикадан ёзма (5 та мисол ва масала)” сўзларига алмаштирилсин;

саккизинчи хат боши қуйидаги таҳрирда берилсин:

“6-синфда ботаникадан 20 та тест саволи, хорижий тилдан 20 та тест саволи, ўзбек тилидан (таълим рус тилида олиб бориладиган синфлар учун) ёзма (диктант - 25-30 та сўз), рус тилидан (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синфлар учун) ёзма (диктант — 60—65 та сўз);”.

5. 10-банднинг «б» кичик банди иккинчи хат бошидан “ўқувчилар қабулининг ташкил этилиши ва ўтказилиши,” сўзлари чиқариб ташлансин, учинчи хат боши қуйидаги таҳрирда берилсин: “Назорат ишларига ҳар бир таълим йўналиши (мутахассислик)дан 2-курс гуруҳларидан 1 та гуруҳ, 3-курс гуруҳларининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдори жалб этилади, тўртинчи хат бошидаги “ва камида 4 та фандан ўтказилади.” сўзлари “Умумтаълим фанларидан назорат ишлари академик лицейларда камида 3 та фандан, касб-хунар коллежларида камида 2 та фандан ўтказилади.” сўзларига алмаштирилсин, бешинчи хат бошидаги “Тест синовлари ДТМ томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.” сўзлари “Тест саволлари касб-хунар коллежлари 2-курс ўқувчилари учун 2 та умумтаълим фанидан 18 тадан (академик лицей ўқувчилари учун 3 та фандан 12 тадан), жами 36 та, 3-курс ўқувчилари учун 3 та умумкасбий ва махсус (чуқурлаштирилган) фанларидан 12 тадан, жами 36 та саволни ташкил этади. Тест саволларини ечиш учун бир астрономик соат, белгиланган жавобларни

жавоблар варақасига қўчириш учун қўшимча 10 дақиқа вақт меъёри белгиланади. ” сўзларига алмаштирилсин, еттинчи хат боши қуйидаги таҳрирда берилсин: “Тест синовии натижалари қуйидаги мезон бўйича баҳоланади: Тест синовии натижалари бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси касб-хунар коллежларида 40 фоизгача, академик лицейларида 55 фоизгача тўғри жавоб берилса “қониқарсиз” баҳо, касб-хунар коллежларида 40 фоиздан 70 фоизгача, академик лицейларида 55 фоиздан 70 фоизгача “қониқарли” баҳо, 70 фоиздан 85 фоизгача “яхши” баҳо, 85 фоиздан 100 фоизгача тўғри жавоб берилса “аъло” баҳо қўйилади.”.

6. 11-банднинг «б» кичик бандидан “бўйича таълим муассасаси” сўзлари чиқарилсин.

7. 12-банднинг «и» кичик банди иккинчи хатбошидаги «аспирантура ва докторантура» сўзлари «катта илмий ходим-изланувчилар институти» сўзларига, «мустақил тадқиқотчилик» сўзлари «мустақил изланувчилик» сўзларига, «аспирантура, докторантура ва илмий тадқиқотчилик» сўзлари «катта илмий ходим-изланувчилар институти ва мустақил изланувчилик» сўзларига, «Аспирантура ва докторантурани» сўзлари «Катта илмий ходим-изланувчилар институтини» сўзларига, «аспирантура, докторантура ва илмий-тадқиқотчилик» сўзлари «катта илмий ходим-изланувчилар институти ва мустақил изланувчилик» сўзларига алмаштирилсин. Қавс ичидан «фан номзодлари ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

8. 4-§дан кейин қўшимча параграф киритилсин ва у “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини баҳолаш” деб номлансин, 5-§ эса олтинчи параграф деб ўқилсин.

9. 5-§га 13-банд киритилсин, 13-банд эса 14-банд деб ўқилсин:

13. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини ихтисосликлари қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

а) давлат талабларининг таълим жараёнига жорий этилиши бўйича:

олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларининг бажарилиши ўрганилади;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқитиш шакллари ва муддатлари, уларга қабул қилиш талабларининг бажарилиши ўрганилади;

катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқишга кирувчи шахсларга қўйилган талабларнинг бажарилиши ўрганилади;

ўқув жараёнини ташкил этиш ҳолати таҳлил қилинади;

б) докторлик диссертацияси мавзулари ва бажарилаётган илмий – тадқиқот ишларнинг республика илмий – техник ҳамда технологик ривожланиш ва ижтимоий – иқтисодий ислохотларининг устувор йўналишларига мослиги бўйича:

белгиланган муддатларда давлат илмий-техник дастурлари доирасида докторлик диссертацияларининг тавсия этиладиган мавзулари ишлаб чиқилганлиги, мавзулар олий таълим муассасаси кенгашида ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида уларнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилганлиги;

тавсия этиладиган докторлик диссертациялари мавзулари олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, ўзлари тизимига кирадиган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан келишилганлиги;

катта илмий ходим-изланувчиларнинг докторлик диссертацияси мавзуларини Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Интернет-саҳифасида эълон қилинганлиги;

тасдиқланган докторлик диссертация мавзуларини ОАКда рўйхатдан ўтказиш бўйича тегишли ҳужжатларнинг ўз муддатида тақдим этилганлиги ва “ОАК бюллетени” журналида эълон қилинганлиги ўрганилади.

докторлик диссертацияси мавзулари ва бажарилаётган илмий – тадқиқот ишларнинг республика илмий – техник ҳамда технологик ривожланиш ва ижтимоий – иқтисодий ислохотларининг устувор йўналишларига мос бўлиши керак.

в) илмий маслаҳатчилар таркибинининг сифат кўрсаткичлари ҳамда уларнинг илмий – ташкилий фаолияти натижалари бўйича:

илмий маслаҳатчилар фаол, илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган, шу жумладан давлат илмий-техник дастурлари доирасида илмий-техник лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган фан докторлари таркибидан танлаб олинганлиги;

илмий маслаҳатчиларнинг тавсия этган докторлик диссертацияси мавзуларини Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Интернет-саҳифасида эълон қилинганлиги;

илмий маслаҳатчиларни бир вақтнинг ўзида нечта катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилаётганлиги;

илмий маслаҳатчи катта илмий ходим-изланувчи билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг яқка тартибдаги режасини ишлаб чиққанлиги ва режанинг олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида тасдиқланганлиги;

илмий маслаҳатчи танланган ихтисослик бўйича назарий-методологик курснинг ўқув режасини ишлаб чиққанлиги ва олий таълим муассасаси кенгашида ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида тасдиқланганлиги;

назарий-методологик дастур катта илмий ходим-изланувчи томонидан ўқишнинг биринчи йили мобайнида илмий консультантнинг ёрдамида ўзлаштирилганлик ҳолати;

илмий маслаҳатчи раҳбарлигида ўз вақтида ҳимоя қилган катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилар сони ўрганилади.

г) кадрлар тайёрлаш бўйича истиқбол режанинг устувор йўналишларга мослиги бўйича:

кадрлар тайёрлаш бўйича истиқбол режанинг мавжудлиги;

истиқбол режанинг Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан белгиланган устувор йўналишдаги давлат илмий-техник дастурларига мувофиқлиги ўрганилади.

Кадрлар тайёрлаш бўйича истиқбол режа устувор йўналишларга мос бўлиши керак.

д) таълимни амалга ошириш жараёнига жалб этилган педагог ва илмий ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда, шунингдек хорижий нашрларда илмий мақолаларнинг чоп этиш фаолияти бўйича:

Таълимни амалга ошириш жараёнига жалб этилган педагог ва илмий ходимларнинг олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари ўрганилади, улар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг

докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда илмий мақолаларнинг чоп этиш фаолияти таҳлил қилинади.

е) илмий – экспериментал, моддий – техник базанинг ҳолати бўйича:

илмий-экспериментал лабораториялар билан таъминланганлик даражаси баҳоланади, уларнинг қўйилган талабларга мувофиқлиги, замонавий асбоб-ускуналар билан тўлдирилиш ва улардан фойдаланилиши ҳолати таҳлил қилинади;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ахборот ресурс марказида тадқиқот соҳаси бўйича илмий манбаларни мавжудлиги ўрганилади;

илмий-тадқиқотларни олиб бориш учун асбоб-ускуналар, материаллар, ахборот-коммуникация воситалари, компьютер техникаси, оргтехника ва бошқаларнинг етарли даражада мавжудлиги ўрганилади.

ж) катта илмий ходим-изланувчиларга ижтимоий, илмий, ижодий ҳамда лойиҳалаш ишларини олиб боришлари учун яратилган шарт-шароитлар бўйича:

катта илмий ходим-изланувчилар учун илмий ишларини бажариш учун яратилган шарт-шароитлар ўрганилади ва бунда:

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасидаги тиббиёт хонаси, профилакторий ва умумий овқатланиш шохобчаларининг мавжудлиги, майдони ва ўринлар сони ;

катта илмий ходим-изланувчиларнинг турар жойлар билан таъминланганлик ҳолати;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасида спорт майдонларининг мавжудлиги;

катта-илмий ходимлар-изланувчилар учун олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ахборот ресурс марказидан, замонавий компьютерлардан ҳамда Интернет тизимидан фойдаланиш бўйича шарт-шароитларни яратилганлиги ўрганилади.

з) катта илмий ходим – изланувчиларнинг шахсий иш режаларининг бажарилиши, ҳисоботларнинг олий таълим муассасаларининг кенгаши ёки илмий тадқиқот муассасаларининг илмий (илмий – техникавий) кенгашлари, тегишли бўлим, лаборатория ва бошқаларда муҳокама қилинганлиги ҳамда тасдиқланган режага мос деб топилганлиги бўйича:

катта илмий ходим – изланувчиларнинг шахсий иш режаларининг бажарилиши;

ҳисоботларнинг олий таълим муассасаларининг кенгаши ёки илмий тадқиқот муассасаларининг илмий (илмий – техникавий) кенгашлари, тегишли кафедра, бўлим, лаборатория ва бошқаларда муҳокама қилинганлиги ҳамда тасдиқланган режага мос деб топилганлиги йиллар кесимида ўрганилади.

Бунда:

катта илмий ходим-изланувчи томонидан эълон қилинган илмий ишларда химоя қилинаётган диссертациянинг асосий натижаларини акс этганлиги ҳамда натижаларни халқаро ва республика доирасида ўтказиладиган илмий конференцияларда, семинарларда, давра суҳбатларида муҳокамадан ўтказилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинганлиги;

диссертация бўйича талабгорнинг эълон қилинган илмий ишларининг умумий сонига қўйилган талабларни бажарилиши;

ижтимоий-гуманитар ва иқтисодиёт соҳалари бўйича диссертация натижалари юзасидан монография эълон қилинганлиги ўрганилади.

и) катта илмий ходим-изланувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини олиб борилиши ҳолати бўйича:

катта илмий ходимлар-изланувчиларнинг олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот муассасасидаги фаолияти самарадорлиги бўйича белгиланган тартибда ўтказилган мониторинг натижаси таҳлил қилинади.

й) олий ўқув юртидан кейинги таълимни битирган катта илмий ходим – изланувчиларнинг докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш ҳолати бўйича:

сўнги 3 йилда катта илмий-ходим изланувчилар институтини тугатганлар ва улардан докторлик диссертациясини ҳимоя қилганлар ҳамда илмий кенгашга ҳимояга тақдим этганлар сони ихтисосликлар бўйича аниқланади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим ихтисосликларини охириги 3 йилда битирган катта илмий-ходим-изланувчилардан докторлик диссертацияси фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш томонидан ҳимояга қабул қилинганлар сони 10 фоиздан кам бўлса ихтисосликка нисбатан “Аттестациядан ўтмади” деган қарор қабул қилинади.

к) докторлик диссертациялари доирасида олинган илмий натижаларнинг амалий жорий этиш ҳолати ва уларнинг ижтимоий – иқтисодий самарадорлиги бўйича:

диссертация натижаларининг фанга, амалиётга татбиқ этилганлиги ёки ташкилотлар томонидан жорий қилиш учун қабул қилинганлиги юзасидан асосли ҳужжатлар мавжудлиги, ушбу ҳужжатлар ташкилотларнинг илмий-техникавий кенгашлари томонидан кўриб чиқилганлиги, маъқулланганлиги ва унинг раҳбарияти томонидан тасдиқланганлиги;

ўтказилган тадқиқотлар ва яратилган ишланмалар асосида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик долзарб илмий ёки амалий муаммоларни ҳал қилинганлиги;

тегишли фан соҳасининг истиқболли йўналишини ривожлантиришда маълум бир ютуқ деб баҳолаш мумкин бўлган янги назарий қоидалар мажмуи ишлаб чиқилганлиги;

илмий-тадқиқот ишлари натижалари фан ва техникани ривожлантиришга ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳани ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишда ўз ифодасини топганлиги;

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг мониторинги натижалари ҳамда олий ёки илмий-тадқиқот таълим муассасалари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида жойларга чиқмаган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

10. 13-банд 14-банд деб ўқилсин ва ундан “(500 баллгача)”, “а” кичик бандидан “(100 баллгача)”, “б” кичик бандидан “(200 баллгача)”, “в” кичик бандидан “(100 баллгача)”, “г” кичик бандидан “(100 баллгача)” сўзлари чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 14 июлда 1836-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқнома»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Амалдаги	Янги таҳрир	Асос
Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари <i>ва технологиялари</i> бўйича ЙЎРИҚНОМА	Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари бўйича ЙЎРИҚНОМА	
<b>Умумий қондалар</b>	<b>Умумий қондалар</b>	
Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги <u>293-сонли</u> «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 289-модда) ҳамда 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 37-модда) <u>12-бандига</u> мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим ва кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларини (бундан кейинги ўринларда таълим муассасалари деб юритилади) аттестациядан ўтказиш мезонлари <i>ва технологиялари</i> ни белгилайди.	Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги <u>293-сонли</u> «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 289-модда) ҳамда 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 37-модда) <u>12-бандига</u> мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, <b>олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари</b> , кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларини (бундан кейинги ўринларда таълим муассасалари деб юритилади) аттестациядан ўтказиш мезонларини белгилайди.	Олий ўқув юртидан кейинги таълим турини аттестацияси киритилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 136-сонли қарори)
1. Таълим муассасалари аттестацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан кейинги ўринларда ДТМ деб юритилади) томонидан ташкил этилади ҳамда ўтказилади.	<b>1. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари аттестацияси ҳудудий аттестация комиссиялари томонидан, қолган барча таълим муассасалари аттестацияси</b> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан кейинги ўринларда ДТМ деб юритилади) томонидан	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 136-сонли қарорига илованинг 4-банди

	ташқил этилади ҳамда ўтказилади.	
<b>2-§. Умумий ўрта таълим муассасаларини баҳолаш</b>	<b>2-§. Умумий ўрта таълим муассасаларини баҳолаш</b>	
<p>б) ўқувчилар билим даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги бўйича (200 баллгача):</p> <p>ўқувчилар билим даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги аттестация комиссияси томонидан ўтказиладиган назорат ишлари орқали баҳоланади.</p> <p>Комиссиянинг қарорига биноан назорат иши олинадиган синфлар қуръа ташлаш йўли билан аниқланади (синфлар сони тўлиқ келтирилади ва таълим муассасаси раҳбари иштирокида ўтказилади). <b>Агар параллел синфлар сони 1 та ёки 2 та бўлса ҳаммаси, 3 та ва ундан кўп бўлса, параллел синфларнинг учдан икки (2/3) қисми Комиссия томонидан қуръа ташлаш йўли билан танланади</b> (1-синф ўқувчилари назорат ишларида қатнашмайди). Таълим бир нечта тилда олиб бориладиган таълим муассасаларида таълим тилига қараб, уларнинг ҳар бирининг учдан икки (2/3) қисмидан синфлар танланади. Назорат ишларида ўқувчиларнинг 100 фоизи қатнашиши таъминланиши зарур. Назорат ишларида узрсиз сабабга кўра қатнашмаган ўқувчиларга «қоникарсиз» баҳо кўйилади ва унинг натижаси умумий натижа чиқарилаётганда ҳисобга олинади. Комиссия фаолияти даврида сабабли асосга кўра назорат ишида қатнашмаган ўқувчилар натижа чиқарилаётганда ҳисобга олинмайди ва ўқувчилар умумий сонидан чиқариб ташланади.</p> <p>Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари билим даражаси 2-синфда: она тилидан ёзма (диктант — ўқув йили биринчи ярмида 25—30 та сўз, ўқув йилининг охирида 35—45 та сўз), <b>ўқиш (оғзаки ўқиш тезлиги бир дақиқада 60—70 та сўз)</b>, математикадан ёзма (3 та мисол);</p> <p>3-синфда она тилидан ёзма (диктант-ўқув йили биринчи ярмида 45—55 та сўз, ўқув йилининг охирида</p>	<p>б) ўқувчилар билим даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги бўйича (200 баллгача):</p> <p>ўқувчилар билим даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги аттестация комиссияси томонидан ўтказиладиган назорат ишлари орқали баҳоланади.</p> <p>Комиссиянинг қарорига биноан назорат иши олинадиган синфлар қуръа ташлаш йўли билан аниқланади (синфлар сони тўлиқ келтирилади ва таълим муассасаси раҳбари иштирокида ўтказилади). <b>4- ва 9-синфлардан параллел синфларнинг камида 50 фоизи, қолган синфлардан</b> Комиссия томонидан қуръа ташлаш йўли билан <b>1</b> таси танланади (1-синф ўқувчилари назорат ишларида қатнашмайди). Таълим бир нечта тилда олиб бориладиган таълим муассасаларида <b>4- ва 9-синфларда</b> таълим тилига қараб, уларнинг ҳар биридан 1 тадан синфлар танланади. Назорат ишларида ўқувчиларнинг 100 фоизи қатнашиши таъминланиши зарур. Назорат ишларида узрсиз сабабга кўра қатнашмаган ўқувчиларга «қоникарсиз» баҳо кўйилади ва унинг натижаси умумий натижа чиқарилаётганда ҳисобга олинади. Комиссия фаолияти даврида сабабли асосга кўра назорат ишида қатнашмаган ўқувчилар натижа чиқарилаётганда ҳисобга олинмайди ва ўқувчилар умумий сонидан чиқариб ташланади.</p> <p>Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари билим даражаси 2-синфда: она тилидан ёзма (диктант — ўқув йили биринчи ярмида 25—30 та сўз, ўқув йилининг охирида <b>30—40</b> та сўз), математикадан ёзма (3 та мисол);</p> <p>3-синфда она тилидан ёзма (диктант-ўқув йили биринчи ярмида 45—55 та сўз, ўқув йилининг охирида</p>	<p>Тажрибадан келиб чиқиб ҳамда бошқа таълим турларига мослаштириш учун ўзгартирилди.</p> <p>2-3-синф ўқувчиларига якуний имтиҳон топшириш кўзда тутилмаган. Шунингдек, 2-3-синфлар учун 3 та фандан қисқа кунлар ичида</p>

55—65 та сўз), **ўқиш (оғзаки ўқиш тезлиги бир дақиқада 70—80 та сўз)**, рус мактаблари учун ўзбек тилидан (диктант — 20—30 та сўз), рус тилидан ўзбек мактаблари учун ёзма (диктант — 20—30 та сўз);

4-синфда она тилидан ёзма (диктант — ўқув йили биринчи ярмида 65—70 та сўз, ўқув йилининг охирида 75—80 та сўз), ўқиш (оғзаки ўқиш тезлиги бир дақиқада 80—90 та сўз), математикадан ёзма (3 та мисол);

5-синфда адабиётдан 20 та тест саволи, математикадан ёзма (5 та мисол), географиядан 20 та тест саволи;

6-синфда ботаникадан 20 та тест саволи, Ватан туйғусидан 20 та тест саволи, ўзбек тилидан (рус мактаблари учун), рус тилидан (ўзбек мактаблари учун) ёзма (диктант — 100—110 та сўз);

7-синфда она тили ва адабиётдан ёзма (диктант — ўқув йили биринчи ярмида 130 та сўз, ўқув йилининг охирида 155 та сўз), физикадан ёзма (4 та мисол ва масала), хорижий тилдан 25 та тест саволи;

8-синфда она тили ва адабиётдан ёзма (диктант — ўқув йили биринчи ярмида 155 та сўз, ўқув йилининг охирида 180 та сўз), тарих ёки давлат ва ҳуқуқ асосларидан 30 та тест саволи, кимёдан ёзма (5 та масала);

9-синфда она тили ва адабиётдан ёзма (ижодий баён — 350-400 та сўз), математикадан ёзма (5 та мисол ва масала), физикадан 25 та тест саволи, тарих ёки давлат ва ҳуқуқ асосларидан 30 та тест саволи, кимёдан 25 та тест саволи, ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар)дан 25 та тест саволи, рус тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар)дан 25 та тест саволидан иборат назорат ишлари олинади.

**50—60 та сўз), таълим рус (ёки бошқа) тилида олиб бориладиган синфлар** учун ўзбек тилидан (диктант — **12—16 та сўз)**, рус тилидан **таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синфлар** учун ёзма (диктант — **40—45 та сўз)**;

4-синфда она тилидан ёзма (диктант — ўқув йили биринчи ярмида 65—70 та сўз, ўқув йилининг охирида 75—80 та сўз), ўқиш (оғзаки ўқиш тезлиги бир дақиқада 80—90 та сўз), математикадан ёзма (**5 та мисол ва масала**);

5-синфда адабиётдан 20 та тест саволи, математикадан ёзма (5 та мисол), географиядан 20 та тест саволи;

6-синфда ботаникадан 20 та тест саволи, **хорижий тилдан 20 та тест саволи**, ўзбек тилидан (**таълим рус тилида олиб бориладиган синфлар** учун) ёзма (диктант - **25-30 та сўз)**, рус тилидан (**таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синфлар** учун) ёзма (диктант — **60—65 та сўз)**;

7-синфда она тили ва адабиётдан ёзма (диктант — ўқув йили биринчи ярмида 130 та сўз, ўқув йилининг охирида 155 та сўз), физикадан ёзма (4 та мисол ва масала), хорижий тилдан 25 та тест саволи;

8-синфда она тили ва адабиётдан ёзма (диктант — ўқув йили биринчи ярмида 155 та сўз, ўқув йилининг охирида 180 та сўз), тарих ёки давлат ва ҳуқуқ асосларидан 30 та тест саволи, кимёдан ёзма (5 та масала);

9-синфда она тили ва адабиётдан ёзма (ижодий баён — 350-400 та сўз), математикадан ёзма (5 та мисол ва масала), физикадан 25 та тест саволи, тарих ёки давлат ва ҳуқуқ асосларидан 30 та тест саволи, кимёдан 25 та тест саволи, ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар)дан 25 та тест саволи, рус тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар)дан 25 та тест саволидан иборат назорат ишлари олинади.

имтиҳон ўтказиш оғирлик қилади. АЛ ва КХК ўқувчилари ҳам 2 тадан фандан тест синови топширади.

Диктантлардаги сўзларнинг сони 2010 йилда тасдиқланган Давлат таълим стандартига асосан ўзгартирилди.

Ўзбекистон Президентининг “2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675—сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 майдаги “Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 130-сонли қарорларига асосан 2012-2013 ўқув йилидан 5-6 синфларда “Ватан туйғуси” фани ҳафтасига 0.5 соатдан жами 17 соат ўқитилмоқда. Ўзбекистон Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли қарорига кўра 2013-



